

## СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Тўйчиев Акмал Акбарович

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги

Судьялар олий мактаби тингловчиси

akmal19880225@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10486384>

**Аннотация:** Мазкур мақолада соғлиққа қарши жиноятларнинг объекти ва унинг ўзига хос жиҳатларига доир масалала таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада соғлиққа қарши жиноятларнинг объекти ва предмети билан боғлиқ масалаларга доир олимларнинг фикрлари ўрганилган.

**Калит сўзлари:** Айб, жиноят, жазо, жавобгарлик, соғлиқ, объект, предмет, тан жароҳати, ижтимоий, хавфли.

Соғлиққа қарши жиноятларни квалификация қилиш, ушбу жиноятларнинг объектив ва субъектив белгиларини батафсил таҳлил қилишни тақозо қилади. Шунини инобатга олиш керакки, баданга оғир, ўта оғир, енгил шикаст етказиш бир қатор жиноятларнинг объектив белгиси ҳисобланади. Шунинг учун бу жиноятнинг объектив томонини тўғри аниқлаш уни ўхшаш жиноятлардан фарқлаш имконини беради.

Жиноят ҳуқуқи фанида жиноят объекти жиноят таркиби элементлардан бири бўлиб, ижтимоий хавфли қилмиш даражасини ҳамда характерини белгиловчи омил сифатида, ўхшаш таркибли жиноятлардан ажратиш имконини беради. Жиноят объекти жиноий фаолиятнинг ижтимоий ва ҳуқуқий моҳиятини, жиноий жавобгарликнинг шакл ва чегараларини белгилаб беради. Жиноят объекти – Жиноят кодекси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир. Ижтимоий муносабатларга зарар етказишнинг факти ва қўламини ўрганиш зарур, чунки бу нарса жиноятнинг жамият учун хавфлилиқ даражасини аниқлашда ва жиноятни тўғри квалификация қилишда ижобий таъсирини кўрсатади<sup>1</sup>.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят объекти умумий, махсус, турдош ва бевосита объектларга бўлинади.

М.Усмоналиев илмий ишларида умумий объектни “Жиноят кодексининг барча моддалари йиғиндиси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир”<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Бошқа барча жиноятлардаги каби биз талқин қилаётган жиноятнинг ҳам умумий объект деганда анъанавий тарзда қонун билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатларнинг жами тушунилади, яъни умумий объект ҳақиқатдан ҳам жиноят қонунда жавобгарлиги кўзда тутилган барча фаолият учун умумий, ягона бўлади.

Умумий объект сифатида ижтимоий муносабатлар баъзи олимларнинг танқидий фикрларига сабабчи бўлмоқда. Масалан: А.В.Наумов фикрига кўра, ижтимоий муносабатлар шаклидаги объект назарияси бир қатор ҳолатларда очиқчасига “иш бермай қолади”. Айниқса, олимнинг фикрича, шахсга қарши жиноятлар қисман,

<sup>1</sup> Бакунов П, Қасддан баданга оғир шикаст етказиш. Ўқув қўлланма. –Ташкент. 2010. 9. б.

<sup>2</sup> Усмоналиев М. Жиноят таркиби. –Ташкент. 2008. 35.б.

қотиллик ва инсон соғлиғига зарар етказиш кабиларда<sup>3</sup>.

Л.Г.Алимов ўз фикрини янада аниқроқ тарзда қўйидагича баён қилган. Ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатида фақатгина шахс жиноий тажовуз объекти булиши мумкин. Инсон, бу сўзнинг биологик маъносини идрок қилган ҳолда, жиноят объекти бўлиши мумкин эмас. Инсон соғлиғи ҳам жиноят объекти бўлолмайди, у инсоннинг ажралмас хусусияти, унинг жисмоний борлиғидир. Соғлиқсиз инсоннинг на табиий ҳаёти, на унинг ижтимоий фаолияти мавжуд булмайди<sup>4</sup>.

А.Н.Игнатов фикрича, ижтимоий муносабатлари тушунчаси реал борлиқнинг абстракт модели бўлиб, у жиноят объекти хусусиятларини тўлиқ акс эттирмайди. Муаллиф жиноят объекти сифатида “инсоният томонидан таъсир қилинувчи реал мавжуд бўлган ҳамда белгили даражада уни ҳимоя қилишдан жамият ҳам манфаатдор бўлган ҳуқуқий қадрият, атамаси остида ишлатишни таклиф этади<sup>5</sup>. Шунга ўхшаш фикр ҳуқуқшунос олим Э.Х.Норбўтаев “манфаат” категориясини жиноятнинг объекти сифатида таъкидлайди.

“Манфаат” категорияси, - деб ёзади, у субъектлар ўртасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларга нисбатан ҳам юқори поғонада туради, аммо ҳамма вақт ҳам юқори нормалар билан тартибга солинавермайди. “Манфаат” ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг ажралмас элементи сифатида давлат ва шахснинг ҳуқуқида ифодаланадиган бойлик ва манфаатдир<sup>6</sup>. Дарҳақиқат, қадриятлар ва манфаатлар ҳаётда ўз ифодасини турли ижтимоий муносабатларда топади, лекин муносабатнинг ўзи эмас, унинг маъзини ташкил қилувчи қадрият ва манфаат жиноятнинг умумий объекти, деб қаралиши тўғри бўлар эди. Шу аниқки, барча жиноятлар, шунингдек, уларнинг ҳар бири инсон, жамият ва (ёки) давлат манфаатларга қарши қаратилади ва уларга зарар етказади.

Соғлиққа қарши жиноятларнинг умумий объекти сифатида шахсга қарши жиноятлар тушунилади. Соғлиққа қарши жиноятларнинг махсус объекти инсон соғлиғидир. Жиноят ҳуқуқи назариясида ижтимоий хавfli тажовуз содир этилаётганда бевосита тажовуз қаратилган ижтимоий муносабат бевосита объект дейилади. Биз тадқиқ қилаётган жиноятнинг бевосита объекти бошқа шахснинг соғлиғини ҳимоя қилиш борасидаги ижтимоий муносабатдир.

Соғлиққа қарши жиноятларда бевосита объекти белгилари турдош объектга ўхшаб кетади. Шу билан бирга, уларнинг ҳар бири соғлиққа етказилган зарарнинг даражаси ва характеридан келиб чиққан ҳолда аниқлаштирилиши мумкин. Соғлиққа оғир даражада зарар етказиш жиноятларининг бевосита объекти бошқа инсон соғлиғига етказилиши мумкин бўлган оғир даражадаги зарардан ҳимоя қилишни таъминловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади<sup>7</sup>.

Жиноятнинг бевосита объектини тўғри аниқлаш, жиноят ишини тўғри квалификация

<sup>3</sup> Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. –М. 1996. – С. 147

<sup>4</sup> Алимов Л.Г. Борьба с умышленными средней тяжести телесными повреждениями. дис канд юрид наук. – Ташкент. 2008. –С.38.

<sup>5</sup> Игнатов А.Н. Красиков Ю.А. Уголовное право России. Учебник для вузов. –Т.1.общая часть. –М.,1998.с.104.

<sup>6</sup> Норбутаев Э.Х. Проблемы эффективности правовых мер борьбы с преступностью (теория и практика).: Автореф. дис. ... док. юрид. наук. –Т.: 1991. – 32 с.

<sup>7</sup> Расторопов С.В. Уголовно-правовая охрана здоровья человека от преступных посягательств. Санкт-Петербург .Изд. Р Асланова “Юридический центр Пресс” 2006. – С.254.

қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Мисол учун қасддан баданга оғир шикаст етказишда бевосита объектига нисбатан жиноят-ҳуқуқи назариясидаги олимлар фикрлари ўзаро бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Г.Н. Борзенков фикрича, ҳар бир одамнинг соғлиғидан қатъий назар, инсон соғлиғи жиноий ҳуқуқий ҳимоя объекти бўлиб ҳисобланади. Фарзанд соғлиғи туғилиш жараёнидан бошлаб таҳдид объекти бўлиб ҳисобланиши мумкин<sup>8</sup>. Соғлиғига зарар етказиш объекти деб, тажовуздан аввалги вақт давомидаги инсон организм, тўқима ва органларнинг муайян физиологик ва психик ҳолати, уларнинг физиологик функциялари сифатида инсон соғлиғини тушуниш лозим<sup>9</sup>.

Д.С.Читлов тана жароҳатининг объекти деб, шахснинг, қандайлигидан қатъий назар, унинг соғлиғи ҳисобланади<sup>10</sup>, дейди. Қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг объекти сифатида тажовуз вақтида инсон соғлиғига етказилган шикастни тушуниш керак.

З.А.Вишинская, В.В.Орехов ва бошқалар баданга шикаст етказишнинг объекти деганда, жисмоний дахлсизлигини тушунишади. Уларнинг фикрича, тан жароҳатларининг объекти деб, одам танасининг дахлсизлигини эътироф этиш назариядаги ва амалиётдаги ҳақиқий ҳолатини тўғри талқин қилишга олиб келади<sup>11</sup>.

М.Ҳ.Рустамбоев фикрича, баданга шикаст етказишнинг объекти унинг ҳолати ва индивидуал сифатларидан қатъий назар ўзга кишининг соғлиғидир. Жисмоний дахлсизлик шахснинг соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа зўравонлик ҳаракатларининг объекти деб ҳисобланиши лозим<sup>12</sup>.

Олимларнинг фикрларини умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг объекти бошқа бир шахснинг соғлиғидир.

Жиноий тажовуз объекти сифатида “соғлиқ” тушунчасининг ўзи ҳам жиноят ҳуқуқи назариясида баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Масалан, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ВОЗ) Соғлиқ - деб фақат инсон вужудида касаллик ё ногиронлик йўқлиги билан жисмоний, ақлий ва ижтимоий соҳаларда қониқарли яшаётганидир, деб таърифлайди<sup>13</sup>. В.В.Орехов соғлиқ деганда, тўғри ишлайдиган одам организмнинг меъерий ҳаёт фаолияти тушунилади, деб ҳисоблаган. Бу одам организми шундай нарсаки, унда унинг ҳамма аъзолари меъёрда ишлайди ва барча тизимлари ўз вазифаларини тўғри бажаради, деган таърифни беради<sup>14</sup>.

А.С.Никифоров инсон организмнинг умумий меъерий ҳолати, унинг тўғри вазифа бажаришида ифодаланишини ва шу соғлиғининг мавжудлигини<sup>15</sup> таъкидлайди.

<sup>8</sup> Борзенков. Г.Н. Преступления против жизни и здоровья: закон и правоприменительная практика. Учебно-практическое пособие. –Москва. 2009.с.166.

<sup>9</sup> Безручко Е.В. Здоровье человека и здоровье населения: проблема соотношения объектов уголовно-правовой охраны // Российский следователь. 2001. –№7. –С.13.

<sup>10</sup> Читлов Д.С.Охрана здоровья граждан от тяжких насильственных посягательств. Саратовский университет 1994. –С.29

<sup>11</sup> Вышинская З.А. Преступление против личности. –М. 1999. с. 22..

<sup>12</sup> Рустамбаев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 3 том. Ташкент. 2011. –Б.83.

<sup>13</sup> Устав Всемирной организации здравоохранения. – Женева, 1946.с.3.

<sup>14</sup> Орехов В.В. Борьба с телесными повреждениями по советскому уголовному праву: Автореф, дис., к.ю.н. – М.. 1960. – С. 9-10

<sup>15</sup> Никифров А.С. Ответственность за телесные повреждения по советскому уголовному праву. –М., 1959 –С.12

П.А.Дубовец “инсон организмнинг ҳар қандай тўқимаси муайян вазифа бажаради, у одам организмнинг нормал ҳолатини бузилишига олиб келмаса ҳам тўқималарнинг меъерий вазифа бажаришининг бузилиши инсон соғлиғига шикаст етказди”<sup>16</sup>, деб таъкидлаган эди.

М.И.Авдеевнинг фикрига кўра, медицинада инсон соғлиги дейилганда “барча аъзолар ва организмдаги вазифаларининг ташқи муҳит билан мувозанат, бунда қандайдир дард, оғриқли ўзгаришлар йўқлиги тушунилади”<sup>17</sup> тушунилади.

Н.И.Загородниковнинг фикрича эса, соғлиқ – одам организмнинг барча қисмлари, аъзолари ва тизимларининг меъёрда ишлайдиган ҳолатидир. Ҳар бир соғлом ва соғлом бўлмаган одам ҳам у ёки бу даражада соғлиқ эгасидир<sup>18</sup>. Ҳуқуқни қўллаш ва суд-тиббиёт амалиёти ҳам мана шу йўлдан бормоқда.

Шундай қилиб, баданга қасддан оғир шикаст етказишда бевосита объект бўлиб, жиноят қонуни билан туғилиш пайтидан то биологик ўлим топгунча қўриқланадиган тўлиқ жисмоний, руҳий ва ижтимоий тинчлик, хотиржамлик ҳолатини тушуниш керак бўлади. Бунда жиноят қонуни жабрланувчининг мавҳум соғлиғини эмас, балки унинг ёши, меҳнатга лаёқати, унда қандайдир биологик сифатлар бор ёки йўқлигидан (хасталик, бузилиш) қатъи назар ҳимоя қилиб, жабрланувчининг шу пайтдаги фактик аҳволи ҳисобга олинади.

Объект муаммоси жиноят ҳуқуқи назариясидаги асосий муаммоларга тегишли бўлиб, юқорида қайд этилганидек, мустақил ва батафсил тадқиқотимиз доирасидан ташқарида кўриб чиқишни тақозо этади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида кўпчилик тан олган фикрга кўра, жиноят предмети деганда, моддий дунё ашёси (жонли ёки жонсиз) тушунилади. Жиноятчи жиноятни содир этар экан, шунга бевосита тажовуз қилади.

Хулоса қиладиган бўлса, фикримизча, тадқиқ этилаётган таркиб предмети сифатида бошқа одамнинг руҳий ва соматик, тана (аъзолар, тўқималар ва уларнинг вазифалари) бирлиги сифатида организмни ажратишни тақозо этади. Бунда инсон руҳият барча шаклларида (онгли ва англамай, ирода, ҳис-туйғу, руҳий ҳолатлар ва ҳ.к.) унинг хулқини тузувчи, ўзига хос вазифани бажаради. Шунинг учун организм тушунчаси яхлит тизимни билдиргани учун, уни қамраб олиниши ва унинг бошқача элементи сифатида намоён бўлишидан келиб чиқиш лозим.

<sup>16</sup> Дубовец П.А. Ответственность за телесные повреждения по уголовному праву. –М., 1994. –С.14.

<sup>17</sup> Авдеев М.И. Судебно-медицинская экспертиза живых лиц. – М. «Медицина», 1998, – С.130.

<sup>18</sup> Загородников Н.И. Преступления против здоровья. 1999. –С.16.